



210100, O'zbekiston Respublikasi, Navoiy viloyati, Navoiy shahar, Inspektorlar ko'chasi, 7-uy

2023 yil "05" oktabr № 305

BUYRUQ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2022 йил 28 декабрдаги СҚ-682-IV-сонли қарори ижросини таъминлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2022 йил 28 декабрдаги "2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясининг 2021-2022 йилдаги ижроси ҳамда уни амалга ошириш бўйича 2023 йилга мўлжалланган чора-тадбирларни тасдиқлаш ҳақида" СҚ-682-IV-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2022 йил 28 декабрдаги "2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясининг 2021-2022 йилдаги ижроси ҳамда уни амалга ошириш бўйича 2023 йилга мўлжалланган чора-тадбирларни тасдиқлаш ҳақида" СҚ-682-IV-сонли қарори раҳбарлик ижро учун қабул қилинсин.

2. Мазкур Қарор билан:

"2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини 2023 йилда амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури" 1-иловага мувофиқ;

Мазкур қарор ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар кўмитасининг "Давлат органларида хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш бўйича маслаҳат-кенгаш органлари фаолиятини ташкил этиш бўйича Низом" ишлаб чиқилиб ўрнатилган тартибда тасдиқланганлиги инобатга олинсин.

3. Куйидагилар:

“Навоийуран” давлат корхонасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш бўйича маслаҳат-кенгаши фаолиятини ташкил этиш бўйича Низом 1-иловага;

“Навоийуран” давлат корхонасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш бўйича маслаҳат-кенгаши таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. “Навоийуран” давлат корхонаси маслаҳат кенгаши ўз фаолиятини жамоатчилик асосида олиб бориши белгилаб қўйилсин.

5. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш бош директорнинг ходимлар ва маъмурий масалалар бўйича ўринбосари – маслаҳат кенгаши раиси А.И.Олтинов ҳамда 6-сонли Бирлашган қасаба уюшмаси қўмитаси раиси Д.Н.Темиров (*келишилган ҳолда*) зиммасига юклатилсин.

Бош директор

Д.Ж.С.Файзуллаев

“КЕЛИШИЛДИ”

6-сон БКУҚ раиси

Д.Н.Темиров



**“Навоийуран” давлат корхонасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ
ҳамда имкониятларни таъминлаш бўйича маслаҳат-кенгаши фаолиятини
ташқил этиш бўйича**

НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом “Навоийуран” давлат корхонасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалаларига кўмаклашиш бўйича маслаҳат-кенгаш (кейинги ўринларда Маслаҳат-кенгаши)нинг асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, фаолиятини ташқил этиш тартибини белгилайди.

2. Маслаҳат-кенгаши ўз фаолиятини жамоатчилик асосида меҳнат жамоаларида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни яратиш, уларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, раҳбарлик лавозимларига тавсия этиш, жинси бўйича бевосита ёки билвосита камситилишини бартараф этишда кўмаклашиш мақсадида корхона раҳбарининг буйруғи билан ташқил этилади.

3. Корхона таркибий бўлинмаларида алоҳида маслаҳат-кенгашлари тузилади, уларнинг фаолияти мазкур низомга асосан амалга оширилади ва бу борада жамоат ташкилотлари билан узвий ҳамкорлик йўлга қўйилади.

4. Маслаҳат-кенгаши ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги, “Хотин-қизларни тазйик ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси иштирокчи бўлган гендер тенглик ва оила масалалари бўйича халқаро шартномалар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда ушбу низом асосида амалга оширади.

5. Маслаҳат-кенгаши қонунийлик, хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлиги, жинси бўйича камситишга йўл қўйилмаслиги, инсонпарварлик, ватанпарварлик очиклик ва шаффофлик тамойиллари асосида фаолият олиб боради.

2-боб. Маслаҳат-кенгашининг асосий вазифалари ва функциялари

6. Қуйидагилар корхона маслаҳат-кенгашининг асосий вазифалари ҳисобланади: Корхонада хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар кўриш;

Корхонада хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг муаммоларини ўрганиш ва бартараф этилишига кўмаклашиш, оилаларидаги ижтимоий-маънавий муҳитни яхшилаш,

уларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий фаоллигини, ҳуқуқий, маънавий, интеллектуал билимларини ошириш соҳасидаги давлат дастурларини, миллий ҳаракатлар режаларини ва стратегияларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиш;

Корхонада жинс бўйича бевосита ва билвосита камситишга олиб келиши мумкин бўлган ҳоллар тўғрисидаги статистик маълумотларни ва ахборотни мунтазам равишда йиғишни ҳамда таҳлил қилишни таъминлаш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларнинг бузилишига доир мурожаатларини кўриб чиқиш ҳамда уларни тиклаш бўйича чоралар кўришда иштирок этиш;

хотин-қизлар ва эркакларнинг тенглигини таъминлаш масалалари юзасидан кадрларнинг касбий тайёргарлиги тизимини такомиллаштиришда қўмаклашиш;

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича ходимларнинг маданият даражасини ва хабардорлигини ошириш юзасидан тегишли чоралар кўришда қўмаклашиш;

Корхонада гендер сиёсатини амалга оширилишини таъминлашга доир вақтинчалик махсус чораларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича ахборот-маърифий тадбирларни рағбатлантириш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда иштирок этиш;

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси ва бошқа амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлаш бўйича берилган имтиёзларнинг корхонада яратилганлик ҳолатини ўрганиш ва унинг натижалари бўйича таклиф ва тавсиялар тайёрлаш;

фаолият жараёнини гендер тенглик нуктаи назаридан мониторинг қилиш ва баҳолашда фаол иштирок этиш;

ишга кириш мақсадида мурожаат қилган номзодлар билан ўтказиладиган суҳбат ёки бошқа жараёнларда иш берувчи томонидан гендер тенглик асосида вазифа ва лавозимларга тайинлашда ҳамда кадрлар захирасини шакллантиришда иштирок этиш;

рахбарлик лавозимларига иқтидорли, талабчан ва масъулиятли аёллар ва эркаклар номзодларини тавсия қилинишида иштирок этиш;

ходимларнинг хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларининг бузилишига доир мурожаатларни кўриб чиқишда, мутасадди тизим ходимлари билан ҳамкорликни амалга ошириш;

ходимларнинг иш жойидаги зўравонликнинг турли шакллариغا барҳам бериш, кам таъминланган, ижтимоий муҳофазага муҳтож, имконияти чекланган, ногирон эркак ва хотин-қизларга ҳар томонлама қўмаклашиш чораларини кўриш;

меҳнат муносабатларини тўғри йўлга қўйиш, ишга жойлаштириш, меҳнат фаолиятини рағбатлантириш мақсадида эркак ва аёллар бандлигини таъминлашда имкониятлар яратиш, касбий салоҳияти ва меҳнат фаоллигини ошириш, касбий маҳоратини юксалтириб бориш учун шарт-шароитларини яратиш, малакасини оширишда қўмаклашиш;

Маслаҳат-кенгаши хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда

имкониятларни яратиш мақсадида асосий фаолият йўналишлари сифатида қонунда таъқиқланмаган бошқа чора-тадбирларни белгилаши ҳамда амалга ошириши мумкин.

3-боб. Маслаҳат-кенгашининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

7. Маслаҳат-кенгаши асосий вазифа ва функцияларини бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз ваколатлари доирасида корхона номидан керакли ҳужжатларни, статистик ва таҳлилий маълумотларни сўраб олиш ва қабул қилиш;

корхона раҳбари билан келишилган ҳолда ўтказиладиган йиғилишлар ва бошқа тадбирларда иштирок этиш;

ходимларнинг конституциявий ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини ўрганиш;

ходимларнинг розилиги бўйича уларнинг ишлаш ва яшаш шарт-шароитлари билан танишиш;

корхона таркибий бўлинмалари раҳбарларига маслаҳат-кенгаши ваколатига тегишли масалалар бўйича таклифлар киритиш;

ички идоравий ҳужжатларни таҳлил қилиш орқали аниқланган гендер тенгсизликни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ва тегишли таркибий бўлинмалар ёки Бошқарма Юридик хизматига тақдим этиш;

маслаҳат-кенгаши ваколатига кирадиган масалалар юзасидан корхона раҳбариятига таклифлар киритиш;

корхона таркибий бўлинмаларидан маслаҳат-кенгаши фаолияти учун зарур бўлган ахборотларни, статистика ва бошқа материалларни белгиланган тартибда олиш;

зарур ҳолларда жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларига берилган жавобларда гендер тенглик талабларига риоя қилинганлигини таҳлил қилиш;

маслаҳат-кенгаши йиғилишларида муҳокама қилинадиган масалаларни ёритиш бўйича оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилиш;

маслаҳат-кенгашига юклатилган вазифаларни бажариш учун конференциялар, семинарлар, учрашувлар, семинар-тренинглар, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирларни ташкил этиш ва уларга белгиланган тартибда нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситаларини жалб қилиш, шунингдек улар билан ҳамкорликда турли тадбирлар ташкил қилиш;

Маслаҳат-кенгаши ўз фаолиятини амалга оширишда:

корхона фаолияти билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган чекловларга амал қилиши;

корхона ҳамда уларнинг мансабдор шахслари фаолият кўрсатиши учун тўсқинлик қилмаслиги;

гендер тенглик асосида ходимларнинг ор-номуси ва кадр-қимматини таҳқирлашга, уларнинг шахсий ҳаётига аралашишга йўл қўймаслиги;

фаолиятини амалга ошириш давомида олинган ахборотнинг, агар бундай ахборотни тарқатиш қонун билан чекланган бўлса, махфийлигига риоя қилиши шарт.

Маслаҳат-кенгашининг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ва ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

8. Маслаҳат-кенгаши ўз фаолиятини амалга оширишда қуйидаги мажбуриятларга эга:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палатасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишларига ва бошқа қонун ҳужжатларига ҳамда мазкур Низомга амал қилиш;

Маслаҳат-кенгаши қонун ҳужжатларига мувофиқ мазкур йўналиш доирасида бошқа мажбуриятларни ҳам бажариши мумкин.

4-боб. Маслаҳат кенгашининг таркиби

9. Маслаҳат-кенгашининг таркибига унинг раиси, раис ўринбосари котиб ва аъзолар киради. Маслаҳат кенгаши ўз фаолиятини жамоатчилик асосида олиб боради.

Маслаҳат-кенгаши таркиби корхона ходимларидан иборат таркибда (9 нафаргача) шакллантирилади.

Маслаҳат-кенгашининг аъзолари корхона раҳбарининг буйруғи билан кўнгилли равишда муайян муддатга таркибга киритилади ва аъзоликдан чиқарилади.

Маслаҳат-кенгаши раиси лавозимини бажариш (раҳбарлик қилиш) корхона раҳбари ўринбосарларидан бирининг зиммасига юклатилади.

10. Маслаҳат-кенгаши раиси Маслаҳат-кенгаши фаолиятига умумий раҳбарлик қилади ҳамда қуйидаги ваколатларни амалга оширади:

Корхона фаолиятининг тегишли соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлаш принципларига риоя этилишини таъминлайди;

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш ҳолатини таҳлил қилади, гендер сиёсати амалга оширилишини таъминлашга доир вақтинчалик махсус чоралар қўлланилишининг мақсадга мувофиқлигини ўрганади ҳамда уларни қўллаш тўғрисида таклифлар киритади;

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасида гендер кўрсаткичларини таҳлил қилади, мониторинг ишларини олиб боради;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича мурожаатларини кўриб чиқади, таҳлил қилади ҳамда зарур ҳолларда улар ҳақида ваколатли органларга хабар беради;

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича ходимларнинг касбий даражасини ошириш чораларини кўради;

жинс бўйича бевосита ёки билвосита камситишнинг намоён бўлиш фактларини бартараф этиш юзасидан чоралар кўради;

Маслаҳат-кенгаши мажлисини чақириш ва кун тартибини белгилаш;

Маслаҳат-кенгаши мажлисига раислик қилиш;

Маслаҳат-кенгашининг иш режаси, Маслаҳат-кенгаши мажлисининг баённомаси ва Маслаҳат-кенгашининг иш юритувига оид бошқа ҳужжатларни тасдиқлаш;

Маслаҳат-кенгаши қарорларининг бажарилишини назорат қилиш;

Маслаҳат-кенгаши аъзоларининг уларга қўйилган топшириқларни бажариш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш;

Корхона раҳбариятига Маслаҳат-кенгаши таркибига аъзоларни киритиш ҳамда унинг таркибидан чиқариш бўйича таклифларни тақдим этиш;

қонун ҳужжатлари ва Маслаҳат-кенгаши қарорларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

11. Маслаҳат-кенгаши раиси йўқлигида унинг ваколат ва вазифаларини Маслаҳат-кенгаши раисининг ўринбосари амалга оширади.

12. Маслаҳат-кенгаши раисининг ўринбосари:

Маслаҳат кенгаши раиси бўлмаганда маслаҳат-кенгаши мажлисларига раислик қилади;

Маслаҳат-кенгаши қарорлари бажарилишини назорат қилиш ишларини ташкил этади.

13. Маслаҳат-кенгаши котиби:

Маслаҳат-кенгашининг мажлисига керакли ҳужжатлар ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди;

Маслаҳат-кенгаши мажлисининг кун тартиби бўйича ўтишини ташкил этади;

Маслаҳат-кенгаши раиси билан мажлис ўтказиш муддати, жойи ҳамда таклиф қилинувчилар ҳақида маслаҳатлашади;

Маслаҳат-кенгаши аъзолари ва таклиф қилинган шахсларни мажлис ўтказиш жойи, санаси ва вақти ҳақида хабардор қилади;

Маслаҳат-кенгаши қарорларининг бажарилиши мониторингини олиб боради ва унинг натижаларини Маслаҳат-кенгаши мажлисида кўриб чиқиш бўйича раҳбариятига таклиф киритади;

Маслаҳат-кенгаши баённомасини расмийлаштиради ҳамда тасдиқланган баённомани Маслаҳат-кенгаши аъзоларига ва бошқа манфаатдор шахсларга юборилишини таъминлайди;

қонун ҳужжатлари ва Маслаҳат-кенгаши қарорларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

14. Маслаҳат кенгаши аъзолари:

Маслаҳат-кенгаши мажлисларида кўриладиган масалаларни ҳал қилиш ва муҳокама қилишда ўз ваколатларини бериш ҳуқуқисиз қатнашадилар. Маслаҳат-кенгаши аъзолари айрим ҳолларда Маслаҳат-кенгаши мажлисларида қатнаша олмаган тақдирда ўз фикрларини ёзма тарзда Маслаҳат-кенгаши котибига тақдим этишлари мумкин. Кўрсатиб ўтилган фикрлар мажлисда кўриб чиқилади ва овоз беришда ҳисобга олинади.

Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлаш бўйича корхона фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ички идоравий ҳужжатларни янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқадиладар.

Ходимларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича Маслаҳат-кенгашига таклиф киритадилар.

5-боб. Маслаҳат кенгаши фаолиятини ташкил этиш

15. Маслаҳат-кенгашининг фаолияти ушбу Низом асосида амалга оширилади.

16. Маслаҳат-кенгаши фаолиятининг асосий масалалари Маслаҳат-кенгаши мажлисларида кўриб чиқилади. Маслаҳат-кенгаши мажлиси Маслаҳат-кенгашининг иш режаси асосида ҳар чоракда камида бир маротаба чақирилади.

Маслаҳат-кенгаши раиси Маслаҳат-кенгаши аъзоларининг камида учдан бир

қисмининг ёзма мурожаати асосида навбатдан ташқари мажлис чақириши мумкин.

17. Маслаҳат-кенгаши мажлисининг кун тартиби лойиҳаси Маслаҳат-кенгаши аъзоларининг таклифлари ва Маслаҳат-кенгаши раиси топшириғи асосида Маслаҳат-кенгаши котиби томонидан шакллантирилади.

18. Маслаҳат-кенгаши мажлислари унинг раиси томонидан олиб борилади. Раис иштирок эта олмаган ҳолларда мажлисга унинг ўринбосари раислик қилади.

Маслаҳат-кенгаши мажлисларида корхона раҳбари, унинг ўринбосарлари ёки бошқа ходимлар иштирок этиши мумкин.

19. Маслаҳат-кенгаши мажлиси унга таклиф қилинган шахсларнинг учдан икки қисмидан кам бўлмаган қисми (кворум) иштирок этган тақдирда қонуний ҳисобланади.

Агар мажлис олиб бориш учун кворум шаклланмаса, Маслаҳат-кенгашининг янги мажлис ўтказиш санаси эълон қилинади.

20. Маслаҳат кенгашининг қарори унинг мажлисида қатнашаётган аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Агар овозлар тенг келиб қолса, Маслаҳат-кенгаши раисининг овози ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

21. Маслаҳат-кенгаши қарор қабул қилишда масалаларни эркин муҳокама қилиш, овоз бериш, жамоатчилик фикрини инобатга олиш, тенглик ва коллегияликка асосланади.

22. Маслаҳат-кенгашининг ҳар бир аъзоси қабул қилинган қарорга ўзининг фикрларини ёзма тарзда билдириш ҳуқуқига эга. Бунда фикрлар Маслаҳат-кенгаши мажлиси баённомасига киритиб қўйилади.

23. Маслаҳат-кенгашининг қарори қабул қилинган кундан бошлаб уч кун ичида корхона раҳбарига киритилади.

24. Тезкор қарор қабул қилиш зарурати келиб чиққанда, Маслаҳат-кенгашининг қарори Маслаҳат-кенгаши раиси ташаббуси билан Маслаҳат-кенгаши аъзолари билан маслаҳатлашилган ҳолда сўров йўли билан қабул қилиниши мумкин.

25. Маслаҳат-кенгаши мажлисида қабул қилинган қарор мажлис баённомаси билан расмийлаштирилади. Баённома Маслаҳат-кенгаши котиби томонидан имзоланади, мажлисга раислик қилувчи томонидан тасдиқланади ҳамда уч кунлик муддатда Маслаҳат кенгаши аъзоларига ва бошқа манфаатдор шахсларга юборилади.

26. Маслаҳат-кенгаши котиби Маслаҳат-кенгаши аъзолари билан биргаликда Маслаҳат-кенгаши қарорларини ижро этиш йўлларини тизимли қўриб чиқади, зарур ҳолларда Маслаҳат-кенгаши раисига таклифлар киритади.

6-боб. Яқунловчи қоидалар

27. Маслаҳат-кенгашининг моддий-техник таъминоти корхона томонидан амалга оширилади.

28. Маслаҳат-кенгаши фаолияти устидан назоратни корхона раҳбари амалга оширади.

29. Маслаҳат-кенгашининг қарорлари ҳамда корхона раҳбарининг Маслаҳат-кенгаши фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ қарорлари устидан белгиланган тартибда шикоят қилиш мумкин.

“Навоийуран” ДКнинг
2023 йил “03” октябрдаги
305 -сонли буйруғига
2-илова

**“Навоийуран” давлат корхонасида хотин-қизлар ва эркаклар
учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш
бўйича маслаҳат-кенгаши**

ТАРКИБИ

Т/р	Ф.И.О.		Лавозими
1.	А.И.Олтинов	-	Бош директорнинг ходимлар ва маъмурий масалалар бўйича ўринбосари, <i>маслаҳат кенгаши раиси</i>
2.	Д.Я.Хусанова	-	Бошқарма Стандартлаштириш, метрология, сертификатлаш ва сифат менежменти тизимлари хизмати бошлиғи-корхона хотин-қизлар кенгаши раиси, <i>маслаҳат кенгаши раиси ўринбосари</i>
3.	Н.Б.Хайитова	-	Бошқарма Кадрлар тайёрлаш хизмати 2-тоифали кадрлар тайёрлаш бўйича муҳандиси, <i>маслаҳат кенгаши котиби</i>
4.	Д.Н.Темиров	-	6-сон Бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси раиси (нодавлат нотижорат ташкилот вакили), <i>маслаҳат кенгаши аъзоси</i>
5.	Н.М.Кенжаева	-	Бошқарма Хужжатлар ижросини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати бошлиғи, <i>маслаҳат кенгаши аъзоси</i>
6.	А.И.Мустафаев	-	Бошқарма Юридик хизмат бошлиғи, <i>маслаҳат кенгаши аъзоси</i>
7.	О.Қ.Шаропов	-	Бошқарма Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларига оид ишларни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати бошлиғи, <i>маслаҳат кенгаши аъзоси</i>
8.	З.А.Махмудов	-	Бош директорнинг матбуот котиби – Ахборот PR хизмати бошлиғи, <i>маслаҳат кенгаши аъзоси</i>
9.	М.Х.Каландарова	-	Бошқарма Офис-менежер бўлими бошлиғи, <i>маслаҳат кенгаши аъзоси</i>